

Имоми Аъзамнинг заковатлари



21:10 / 24.02.2019 5424

Кунларнинг бирида Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурларига бир аёл келди. У норози оҳангда деди: «Менинг акам вафот этди, ундан олти юз дирҳам мерос қолди, шундан менга бир дирҳам мерос тегди», деди ва бу билан мерос тақсимотида адолатсизлик бўлгани изҳор қилмоқчи бўлди. Шунда Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ у аёлдан меросни ким тақсим қилгани сўрадилар. Аёл меросни Довуди Тойи тақсим қилганини айтди. Шунда Имоми Аъзам мерос тўғри тақсим қилинганини айтибдилар. Ва аёлга саволлар бера бошлабдилар:

- Вафот этган акангизни иккита қизи қолганми?
- Ҳа, - деб жавоб қилди аёл.
- Оналари ҳам ҳаётми?

- Ҳа, - деб жавоб қилди аёл.

- Битта аёли ҳам борми?

- Ҳа, - деб жавоб қилди аёл.

- Ундан ташқари вафот этган акангизни яна ўн иккита ака-укалари бор, шундайми.

- Ҳа, шундай, - деб жавоб қилди аёл.

- Ундан ташқари биргина сиз қолдингиз, тўғрими?

- Ҳа, - деб жавоб қилди аёл.

Шу саволлардан сўнг Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ана шу олти юз дирҳам меросни қандай тақсим қилинганини айтиб берибдилар. Ваҳоланки, ўша аёл Имоми Аъзамга булар тўғрисида бирор нарса айтмаган эди. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг илм тафаккури ва чуқур ақл идроклари билан бу масаланинг ечимини моҳирлик билан фаҳмлаган эдилар.

Кейин Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ўша аёлга дедилар: «Қолган иккита қизларига мероснинг учдан икки қисми тегади. (Олти юзни учдан икки қисми тўрт юз бўлади.) Оналарига меросни олтидан бири тегади (олтидан бир қисми юз бўлади, юқоридаги тўрт юз билан беш юз бўлади). Вафот этган акангизнинг жуфти ҳалолига мероснинг саккиздан бир улуш тегади (саккиздан бири етмиш беш бўлади, юқоридагилар билан беш юз етмиш беш бўлади). Ва қолган ўн иккита ака-укаларига меросдан икки дирҳамдан тегади (ўн иккита акасига икки дирҳамдан тегса йигирма тўрт дирҳам бўлади, юқоридагилар билан беш юз тўқсон тўққиз дирҳам бўлади). Ана шунда сизга меросдан қолган бир дирҳам сизнинг улушингиз бўлади, деб жавоб берган экан.

Имоми Аъзам Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг бу берган жавобларини эшитиб ўтирган атрофдаги кишилар ҳайратдан ёқа ушлашган экан.

Islom.uz портали таҳририяти